Чимён пиёзини (*A.tschimganicum*) ўлчамини ўсимликнинг кўпайиши, ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш.

Якубов Шамшод Муртозакулович
Тошкент давлат аграр университети Илмий-тадқиқот ва инновациялар бўлими бошлиғи қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD)

Эргашева Ирода Толибжон қизи
Тошкент давлат аграр университети ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси ассистенти

Латифли Латиф Шаҳин Оғлу
Тадқиқотчи Озарбайжон Республикаси

АННОТАЦИЯ.

Мақолада Тошкент воҳаси шароитида маданий ҳолда ўстирилган *Allium tschimganicum* турига мансуб пиёзларнинг ўсиши ва ривожланишига тугунак пиёзлар ўлчамининг таъсири ўрганилган. Кўп йиллик дала тажрибалари натижаларига кўра, Чимён пиёзи диаметрининг кичиклиги ўсиш ва вегетация даврининг кечикишига сабаб бўлди, йирик пиёзларда эса бу жараён эртароқ кузатилди. Диаметри 2–3 см бўлган пиёзлар 5–7 кун ичида ўсиб чиққан бўлса, майда (0,5–1,0 см) пиёзларда бу муддат 8–12 кун гача чўзилган. Тадқиқот натижалари Чимён пиёзи тугунакларини экишдан олдин ўлчами бўйича саралаш ўсиш энергиясини ошириши ва вегетатив кўпайтириш самарадорлигини таъминлашини кўрсатди.

Калит сўзлар. Чимён пиёзи, Allium, A.tschimganicum, диаметр.

АННОТАЦИЯ.

В статье изучено влияние размеров луковиц на рост и развитие лука *Allium tschimganicum*, выращенного в культурных условиях Ташкентского оазиса. По результатам многолетних полевых опытов установлено, что уменьшение диаметра луковиц приводит к замедлению роста и задержке вегетационного периода, тогда как у крупных луковиц эти процессы происходят значительно раньше. Луковицы диаметром **2–3 см** прорастали в течение **5–7 дней**, тогда как у мелких **(0,5–1,0 см)** этот процесс затягивался до **8–12 дней.** Результаты исследований показали, что предварительная сортировка луковиц чимёнского лука по размерам способствует повышению энергии роста и эффективности вегетативного размножения.

Ключевые слова. Чимёнский лук, *Allium*, *A. tschimganicum*, диаметр.

ANNOTATION.

The article examines the effect of bulb size on the growth and development of *Allium tschimganicum* cultivated under the conditions of the Tashkent oasis. Based on multi-year field experiments, it was found that smaller bulb diameters caused delayed growth and a longer vegetation period, whereas larger bulbs developed earlier. Bulbs with a diameter of **2–3 cm** sprouted within **5–7 days**, while smaller ones (**0.5–1.0 cm**) required up to **8–12 days.** The study revealed that pre-sorting *A. tschimganicum* bulbs by size increases growth energy and enhances the efficiency of vegetative propagation.

Key words: Chimyon onion, *Allium*, *A. tschimganicum*, diameter.

Кириш. Бугунги кунда *Allium* туркумига мансуб озиқабоп пиёзларнинг кўпайтириш ва етиштиришга доир кўпгина маълумотларни учратиш мумкин. Аммо, Тошкент шароитида маданий ҳолда ўстирилган *A.tschimganicum* ўсимлигини атрофлича ўрганиш ва кўпайтириш борасида ҳанузгача етарлича изланишлар олиб брилмаган. Шу боис, биз ўз изланишларимизда мазкур ўсимликни вегетатив кўпайтириш усулларини ўрганишни лозим топдик.

Тадқиқот натижалари. Кўп (3-4) йиллик дала тажрибалар ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда кўпайиш жараёнларини бевосита пиёзларнинг ўлчамларига (катта-кичиклиги) боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Хусусан, d= 0,5-1,0 см бўлган ўсимлик пиёзлари экиб синаб кўрилганда, уларда куз ва баҳорги ўсиш даврининг 20-25 кунгача кечикканлиги билан бир қаторда, ўсимликнинг морфометрик кўрсаткичларида ҳам сезиларли тафовутлар қайд этилди. Айниқса, бундай ҳолатни d=0,5 см гача бўлган пиёзларнинг ўсиши ва ривожланиш жараёнларида учратиш мумкин. Чунончи, d=0,3-0,5 см тугунак пиёзлари экиб синаб кўрилганда, уларда вегетация давомида 1 та барглар шаклланиб, уларнинг узунлиги 5-7 см ва эни 0,5-0,7 см дан ошмади.

Ўртача ўсиб чиқиш даврларини таҳлил қилиб айтишимиз мумкинки, ўсимликларда пиёзларнинг ўсиш даври бир-бирига боғлиқ ҳолда қарийб 1 ойни ташкил этади. Хусусан, d=0-0,5 см ли тугунак пиёзларнинг экилиш натижасида ўсимликларда вегетация даврининг бошланиши март ойларинг 2 ва 3 декадасидан қайд этилган бўлса, d=1,0 см гача бўлган пиёзларда эса бу давр март ойининг 1 ва 2-декадасига тўғри келди. Яъни, d=0,8-1,0 см бўлган пиёзлар d=0,5 см ли пиёзларга нисбатан дастлабки ўсиб чиқиши 5-6 кунга фарқланди.

1-жадвал

***A. tschimganicum* ўлчамларининг ўсимликларнинг ўсиш даврига боғлиқлиги.**

Пиёзларнингдиаметри d=см	Кузатиш йиллари							
	2021 йил		2022 йил		2023 йил		Ўртача	
	Дастлабки ўсиш	Ёппасига ўсиш	Дастлабки ўсиш	Ёппасига ўсиш	Дастлабки ўсиш	Ёппасига ўсиш	Дастлабки ўсиш	Ёппасига ўсиш кун
0-0,5	17.03	25.03	11.03	21.03	07.03	16.03	11.03	9
0,5-1,0	13.03	19.03	11.03	17.03	07.03	16.03	10.03	10

1,0-1,5	08.03	12.03	03.03	09.03	05.03	11.03	05.03	6
1,5-2,0	13.02	18.02	11.02	17.02	12.02	21.02	12.02	7
2,0-2,5	11.02	18.02	11.02	17.02	12.02	21.02	11.02	7
2,5-2,7	11.02	18.02	11.02	17.02	12.02	21.02	11.02	7

Изоҳ: пиёзбошлар асосан куз ойларида экилган ва ҳисобга олинган.

Бунда узвий боғлиқликни бошқа диаметрли пиёзларнинг ўсиб чиқиш муддатларида ҳам учратишимиз мумкин. Демак, пиёзларнинг диаметри қанча кичик бўлса, уларда ўсиш даври нисбатан кечикади ва аксинча, канчалик катта бўлса, улар эртароқ ўсиб чиқади. Бизнингча бу ҳол, пиёзларда заҳира озиқа моддаларининг камлиги ва аксинча, нисбатан йирик пиёзларда эса асосан заҳира озиқ моддаларининг кўплиги ҳисобига ўсимликларда ўсиш даврининг илгари сурилиши билан изоҳланади.

Агарда экиладиган турли хил ўлчамдаги пиёзлар сараланмасдан тўғридан-тўғри экилса, у ҳолда уларнинг дастлабки ўсиш даври йирик (2-3 см ли) пиёзли ўсимликлар билан тўғри келиб, февраль ойининг 1 ва 2 декадасидан қайта экилади. Ва аксинча майда пиёзлар эса бу жараён март ойининг ўрталаридан бошлаб кузатилади. Бу ҳол асосан сараланмаган ўсимлик пиёзларида турли-хил диаметрдаги пиёзларнинг мавжуд бўлганлиги ва бу эса ўз навбатида уларни эрта ўсиб чиқишига олиб келишидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, ўсимлик пиёзларининг йириклиги уларнинг ўсиш энергияси билан пропорционал боғлиқдир. Йирик диаметрли (d=2-3) пиёзлар 5-7 кун давомида қийғос ўсиб чиқса, диаметри (d=0,5-1,0см) майда пиёзларнинг ўсиб чиқиши 8-12 кунгача чўзилади (1-жадвалга қаранг).

Хулоса. Шундай қилиб олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларига кўра, *Allium tschimganicum* турига мансуб ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши пиёз тугунакларининг ўлчами билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди. Майда (d=0,3–0,5 см) тугунаклар экилишида вегетация даври кечикиб, морфометрик кўрсаткичлар паст бўлди, йирик (d=2–3 см) тугунакларда эса ўсиш энергияси юқори ва ўсиб чиқиш муддати қисқарди. Пиёз тугунакларидаги заҳира озиқ моддалар миқдори ўсиш динамикасига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу сабабли, пиёзларни экишдан олдин уларни ўлчами бўйича саралаш, ўсишни барқарорлаштириш, кўпайтириш самарадорлигини ошириш ва юқори ҳосилдорликка эришиш учун муҳим омил ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зайцев Г. Н. Методика биометрических расчетов. М: Наука, 1973. –С. 266.

2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследования) — М.: Агропромиздат, 1985. – 351 с

3. Л.С.Красовская, И.Г.Левичев. Флора чаткальского заповедника. 1986.168-170с.

4. Транковский Д.А. Практикум по анатомии растений. – М.: Высшая

школа, 1979. – 221 с.

5. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. – Новосибирск: Наука, 1974. – С. 154.

6. Э. Ахмедов. Мадорми ёки мотор. Agro.uz/uz/services/useful/4310

7. Белолипов И.В. Интродукция травянистых растений природной флоры Средней Азии Эколого–интродукционный анализ. Ташкент, Фан, 1989. – С. 147.